Назаркулов Тўйчи Турдикулович — Кўприк қуриш-ишлари унитар корхонасининг 67-кўприк қуриш отряди кран машинисти, Тошкент шаҳри

Назарматов Рустам Бахтиярович — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши қошидаги Ёшлар медиа маркази оператори

Назаров Аскар Мухаммадиевич — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий геология-қидирув экспедицияси бургулаш ускунаси машинисти, Навоий вилояти

Нарбаев Анвар Келдибекович — Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонаси бош муҳандиси

Ниязова Сураё Нуралиевна — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Янгйер шаҳар Кенгаши бош мутахассиси, «Камалак» болалар ташкилоти раиси, Сирдарё вилояти

Норбоев Чори Самандарович — Муборак туманидаги «Муборак» қорақўлчилик-наслчилик ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Нугманов Собит Самсоқонович — Наманган шаҳридаги «Афруз Камол» масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари, Наманган вилояти

Орипов Дилшод Абзамович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти директори

Ортиқова Мухаррамхон Уматалиевна — Чортоқ туманидаги «Бўлон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

Поянов Даврон Холмуродович — «Сурхон пармалаш ишлари» акциядорлик жамияти пармаловчиси, Сурхондарё вилояти

Пулатова Шаҳодат Мухидиновна — Гулистон шаҳридаги «Юлчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Сирдарё вилояти

Ражапов Мансур Кучкарович — Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг ишлари бошқаруш дирекцияси бошлиғи

Райимов Алижон Бахромович — Фарғона шаҳридаги «Евроосиё Тапо-Диск» қўшма корхонаси қолипловчиси, Фарғона вилояти

Раманов Тайир Сапарбаевич — «Ўзэлектромонтаж» акциядорлик жамиятининг «Нукус электромонтаж» масъулияти чекланган жамияти электр монтажчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Рахматов Имом Мамадиёрович — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари

Рузибаева Рисолат Фахриевна — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг Нурота тумани таянч пункти директори, Навоий вилояти

Рустамов Гайратжон Гадович — «Қизилқумцемент» акциядорлик жамиятининг бўлинма бошлиғи, Навоий вилояти

Сапаров Махмуд Уралович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Термиз локомотив депоси тепловоз машинисти, Сурхондарё вилояти

Саттаров Дилшод Нематович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Саноатнинг базавий тармоқлари ва ёқилғи-энергетика мажмуи молияси бошқармаси бошлиғи

Сатторов Баходир Очилов — «Аму-Қашқадарё» ирригация тизими бошқармаси гидроучастка бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Сатторов Немат Шодиевич — Шеробод туманидаги «Хўжайконтуз» масъулияти чекланган жамияти бош механиги, Сурхондарё вилояти

Сидиков Хуснидин Пардабаевич — «Ўзбекқўмир» акциядорлик жамиятининг «Белазқўмир» филиали бульдозер машинисти, Тошкент вилояти

Собинова Насибхон Анаваровна — Уйчи тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, Наманган вилояти

Суванова Зоҳида Туллибековна — Республика Маънавият тарғиботи марказининг Бекобод тумани бўлими раҳбари, Тошкент вилояти

Сулайманов Нуритдин Сагдуллаевич — «Жиззах пластмасса» акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш цехи машинисти, Жиззах вилояти

Тахирова Зияда Нигматуллаевна — Бектемир тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, Тошкент шаҳри

Ташев Алишер Эргашевич — «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг қозон турбина цехи бошлиғи ўринбосари, Қашқадарё вилояти

Ташматов Абдумумин Абдуваитович — «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-навли прокат цехи катта устаси, Тошкент вилояти

Тоджиев Искандар Адиевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Ўқув-машғулот маркази учувчи-йўриқчиси

Тростянский Дмитрий Валерьевич — Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази етакчи таҳлилчиси

Тулиева Мухаббат Турғуновна — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Ховос сигнализация ва алоқа дистанцияси етакчи муҳандиси, Сирдарё вилояти

Тураев Файзулла Эрдонович — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Шимолий кон бошқармаси сульфат кислотаси цехи бошлиғи, Навоий вилояти

Умарова Озода Гайратовна — Чилонзор туманидаги «ВеРо-дастурчилар маркази» масъулияти чекланган жамиятининг лойиҳалар билан ишлаш гуруҳи бошлиғи, Тошкент шаҳри

Ўтанов Алишер Аҳмаджонович — «Қувасойцемент» акциядорлик жамиятининг майдалаш участкаси тегирмон машинисти, Фарғона вилояти

Файзиёва Джамила Исомиддиновна — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси муҳандиси, Жиззах вилояти

Файзиёва Дилором Хусниддиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси аъзоси

Хайдаров Жамшид Темурович — Ургут туманидаги «Ург-газ карпет» қўшма корхонаси бош директори, Самарқанд вилояти

Хайдарова Хайринса Хужамбердиевна — Балиқчи туманидаги «Антекс» масъулияти чекланган жамияти оператори, Андижон вилояти

Хайитбаев Баходир Атаханович — Урганч шаҳридаги «Огаҳий коммунал сервис» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Хоразм вилояти

Халиков Азамат Камилевич — Қизилтепа туманидаги «Темур-Малик» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Хамроев Дилмурод Холмуродович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Сурхондарё вилоятидаги «Хандиза» кон бошқармаси лаҳимчиси

Ханов Яхшибой Шамуратович — Иштихон туманидаги «Асалчи Элдор» фермер хўжалиғи бошлиғи, Самарқанд вилояти

Хасанова Санобар Искандаровна — Хива туманидаги «Хоразм гиламлари» масъулияти чекланган жамияти тўқувчиси, Хоразм вилояти

Хашимов Гулом Улмасович — «Фарғонаазот» акциядорлик жамиятининг азот кислотаси цехи смена бошлиғи, Фарғона вилояти

Ходжанов Фарход Халимович — Ғузор туманидаги «Озод фаровон қурилиш» масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Хожиматов Абдуллажон — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Избоскан тумани бўлинмаси раиси, Андижон вилояти

Холмуродова Дилбар Уринбоевна — Жиззах шаҳридаги «Қипчоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

Худайбергенов Бахтиёр Эргашевич — Чиноз тумани йўл хўжалиғи пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси автокаток машинисти, Тошкент вилояти

Шамсиева Гулнора Бақоевна — Ғиждувон туманидаги «Тошлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Шодиева Дилфуза Октябровна — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Марказий кенгаши қошидаги Ўқув-услубий марказ директори

Шомирзаев Шухрат Шомасхутович — «GM Powertrain — Uzbekistan» акциядорлик жамияти директорининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари — техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи, Тошкент вилояти

Шукуров Рустам Закирович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали бўлим бошлиғи

Элмуратов Нарзулла Хасанович — «Боёвут агро-техсервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Сирдарё вилояти

Эргашев Ризокул Тўхтаевич — «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» унитар корхонасининг асосий ишлаб чиқариш цехи қурилма бошлиғи ўринбосари, Бухоро вилояти

Эргашев Сатор Салоҳиддинович — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 24 август

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик

ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИКНИ КУЧАЙТИРАДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, ўтган вақт мобайнида юртимизда амалга оширилган ислохотлар сиёсий партиялар фаоллигини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Бугун улар нафақат сиёсий жараёнлар, балки ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизга дахлдор масалаларни ҳал қилишда, умуман, жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорини ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акциясини ўтказмоқда.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида июль-август ойларида ташкил этилган мазкур акция бўйича матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъулари, «Нуроний» жамғармаси, Ногиронлар жамияти вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, минтақавий партия кенгашлари

ходимлари иштирок этди.

Анжуманда партия Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улғубек Вафоев акциянинг мазмун-моҳияти, ҳудудларда ўтказилган тadbирлар хусусида оммавий ахборот воситалари ходимларига батафсил ахборот берди.

— Аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатлами кўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш долзарб масала ҳисобланади, — деди у. — Шунинг учун мамлакатимизда инсон манфаатини ҳимоя қилиш, одамлар муносиб турмуш кечириши учун қулай шароит яратиш, пенсиялар, имконияти чекланган кишилар, кам таъминланган оилаларга эътибор кўрсатиш йўлида кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда Ўзбекистон ХДП ташкилотлари, барча даражадаги партия гуруҳлари фаол иштирок этишга ҳаракат қилипти. Партиямиз Дастурида ижтимоий ҳимоя бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шу асосда қатор лойиҳа ва ташаббуслар ҳаётга татбиқ этилмоқда.



Жорий йил июль ойидан бери ўтказиб келинаётган «Кучли ижтимоий ҳимоя — асосий мақсадимиз» акцияси бу борадаги амалий ишлардан биридир. Ушбу тadbир мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларни ўйлантираётган ижтимоий масалаларни ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида юртимизнинг барча ҳудудларида ўтказилапти.

Акция туман ва шаҳарлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда

Юртдошларимиз бугунги дориламон кунларга шукроналик кайфиятида яшаётганликларини, мамлакатимизда инсон манфаати, унинг кадр-қиммати ҳар нарсадан устун эканини таъкидлашди.

Тошкент шаҳри бўйича уч босқичда ташкил этилмоқда.

Жойларда ўтказилган тadbирларда 6000 нафарга яқин кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кекса ҳамда ногиронлар ҳолидан хабар олинди. Таъмирга муҳтож уйларга қурилиш материаллари етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари томонидан хонадонларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан кам

даромадли оила фарзандларининг ўйларини ўтказиб берилди. Тошкент вилоятида 540 хонадондан хабар олинди. Самимий суҳбатлар чоғида электротар вакилларини ўйлантираётган масалалар ҳам аниқланиб, уларни ҳал этиш чоралари белгиланди.

Умуман, республикаимизнинг барча ҳудудларида акция кўтаринки руҳда ўтказилди. Мустақиллик байрами арафасида юртимиздаги ижтимоий ёрдамга эҳтиёжманд аҳоли вакилларининг кайфиятини кўтариш, уларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашда бу муҳим аҳамият касб этди.

— Жамғармаимиз Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйган, — дейди «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раиси Шухрат Усмонов. — Айниқса, партиянинг яқка-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олишга, уларнинг кўнглини кўтаришга, маънавий ҳолатини қаратилган бир қатор тadbирлари ташкилотимиз билан ҳамфикр ва ҳаммаслаликда ўтказиб келинмоқда. Бундан нуронийларимиз жуда ҳам мамнун. Акция доирасида хонадонларда бўлганимизда бунга амин бўлдик. Бундан кейин ҳам ҳамкорликка тайёрмиз.

Матбуот анжуманида электротар вакиллари ҳам ўз

фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Чирчиқ шаҳрида истиқомат қиламан, — дейди Гулнора Байлиева. — Яқинда партиянинг Тошкент вилоят кенгаши вакиллари, депутатлар, фаол ёшлар, бир гуруҳ ташкилотчилар бизнинг хонадонимизда ҳам бўлишди. Кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Юртимизда олиб борилаётган эзгу ва хайрли ишлар ҳақида суҳбатлашдик. Айниқса, партиянинг фаол ёшлари хонадонимизни ободонлаштиргани бизни қувонтирди. Бу каби хайрли тadbирларни ташкил этишгани учун партия фаолларига раҳмат.

— Юнусобод туманидаги «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғини раисидан, — дейди Омоулла Нурхўжаев. — Акция доирасида партия фаоллари билан тумандаги имконияти чекланган фарзандлари бор оилалар, яқка-ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар хонадонларига бордик. Юртдошларимиз бугунги дориламон кунларга шукроналик кайфиятида яшаётганликларини, мамлакатимизда инсон манфаати, унинг қадри-қиммати ҳар нарсадан устун эканини таъкидлашди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вакиллари миннатдорчилик билдиришди.

Тadbир давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

Акция доирасидаги тadbирлар жойларда давом этмоқда.

Гулрух ТОШМАТОВА,
ЎЗХДП Марказий Кенгаши
сектор мудири.

ЯНГИ ҚОНУНЛАР

■ Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ҳамда демократлаштиришга қаратилган қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давлатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида бўлиб ўтаётган ялпи мажлис қатнашчилари Сенат Раиси Н.Йўлдошевнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Олий Мажлис Сенатининг ўтган даврдаги фаолиятига ва келгуси йиллардаги устувор вазифаларга бағишланган маърузасини тингладилар.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши том маънода тарихий воқеа бўлганлиги таъкидланди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўламли демократик ислохотлар ўтказилди, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий тизимни тубдан янгилашнинг, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг мустахкам ҳуқуқий асослари қўйилди. Бундай давлатда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, орно-муси, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Маънавий қадриятларнинг тикланиши, миллий ўзлиқни англаш ҳиссининг ўсиши учун шарт-шароитлар яратилиши, ислохотларнинг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилганлиги, мулк ҳуқуқининг мустахкамланганлиги инсонлар дунёқараши, улар ҳаётининг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Мустақиллик йилларида дон, ёқилги-энергетика ва транспорт-коммуникация соҳасида мустақилликка эришишга, иқтисодиётнинг барча соҳаларини модернизация қилишга доир чиндан ҳам кўламдор чора-тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқ ҳўжалигини қайта қуриш, ерни унинг ҳақиқий эгаларига бериш ҳисобига республиканинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланмоқда. Агар илгари Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг ҳомашё етказиб берувчи қолоқ ўлкаси ҳисобланган бўлса, бугунги кунда мамлакатимизда нефть ва газ-қимё саноати, нефтьга ва темир йўл машинасозлиги, автомобилсозлик, замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, фармацевтика, юқори технологик озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби тармоқлар етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётида мулкдорлар, тадбиркорлар синфи ўз мавқеини кучайтирмоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги иштироки доим ўсиб бормоқда. Бугун бу кўрсаткич 56,7 фоизни ташкил этмоқда. Банд бўлган аҳолининг қарийб 80 фоизи тадбиркорлик билан шуғулланиб, ўз оиласининг, халқининг фаровонлигини ошириб келмоқда. Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай муҳит яратилган.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий ривожланиш изчиллигининг, тинчлик ва осойишталикнинг, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий барқарорлиқнинг, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ишончли ка-

фолатига айланди. Амалга оширилётган ислохотларнинг ҳуқуқий замири Конституциянинг асосий қоидаларига мувофиқ изчил шакллантирилмоқда.

Икки палатали миллий парламентнинг яратилиши ва унинг самарали фаолият кўрсатиши давлат ва жамият қурилишидаги демократик ислохотларнинг муҳим омилга айланди. Парламентда қуйи – Қонунчилик палатаси профессионал асосда фаолият кўрсатади, юқори палата – Сенат эса Ўзбекистон минтақаларини ифодалаб, минтақавий ва умумдавлат манфаатлари мувозанатини таъминлайди. Мустақиллик йилларида ҳокимият тармоғини бўлишдан иборат конституционий принциплар босқичма-босқич рўёбга чиқаришга, улар ўртасида ўзаро мувозанат ва тийиб туришининг самарали тизимини яратишга, марказ ва жойларда давлат ҳокимияти органлари тизимида қонун чиқарувчи ва вақиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат функцияларини кучайтиришга қаратилган ислохотлар олиб борилди.

Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга, иқтисодиётнинг узлуksиз ўсишига, халқимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратишга ва жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини таъминлашга хизмат қилади.

Маърузада Сенатнинг ўтган йиллардаги фаолияти айрим жиҳатларини танқидий таҳлил қилишга ва келгуси даврда парламент юқори палатаси иш самарадорлигини оширишнинг устувор вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда бўлиб ўтган биринчи ялпи мажлисида, парламент палаталарининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида, Конституция қабул қилинганлигининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини тубдан яхшилаш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун ва моҳиятини ижро этувчиларга етказиш, Сенатнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлигини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан биргаликдаги фаолиятини кучайтириш чоралари қўрилганлигига урғу берилди.

Қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини ошириш бўйича Сенат қўшмалари ва комиссияларининг, ҳар бир сенаторнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, қабул қилинаётган қонунлар нормалари ишлаши учун зарур бўлган қонуности ҳужжатлари ўз вақтида эълон қилинишини ва ҳуқуқни қўллаш ҳолатини мунтазам назорат қилиш устувор вазифалар қаторида тилга олиб ўтилди. Бунда сенаторларнинг қўндалик иш услубида мустахкам ўрин олиши қўшма бўлган парламент назоратини амалга ошириш расмийликларини унчунга кечтиришга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди.

Яқинда қабул қилинган «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган барча механизмларни ишга солиш муҳим аҳамиятга эга. Маърузада минтақавий ва умумдавлат манфаатлари мувозанатига эришишга, қонунийликни, қонун устуворлигини таъминлашда парламент ролини оширишга қаратилган Сенат фаолиятининг самарадорлигини ошириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Шундан сўнг сенаторлар ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич ислоҳ қилишга ҳамда демократлаштиришга қаратилган қонунларни қўриб чиқишга киришдилар.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «**Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар. Ушбу қонун ёшлар сиёсатининг асосий қоидаларини, бундай сиёсатни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга доир ташкилий, ҳуқуқий механизмларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, тўғридан-тўғри таъсир қилишни яхлит қонун ҳужжатида мужассам этиш мақсадида қабул қилинганлиги таъкидланди.

Қонунда ҳозирги замон талабларини ҳисобга олган ҳолда ёшларга оид давлат сиёсатининг қуйидаги устувор йўналишлари мустахкамлаб қўйилди: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда манфаатларини, ёшларнинг очик ва сифатли таълим олишини таъминлаш, ёш авлоднинг жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан камол топилашга қўмаклашиш, ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш. Ёшларни қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларни маънавий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, радикализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш, иқтидорли ёшларни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ёшлар спортини, ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва ҳоказо.

Қонунда ёшларга оид давлат сиёсатини марказда ва жойларда рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар вазифалари, ваколатлари, шунингдек, уларнинг бу соҳадаги жавобгарлиги аниқ белгиланб берилмоқда. Ушбу органлар зиммасига ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, меҳнат ва бошқа соҳаларда ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган талаблар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шак-шўбасиз ижро этилишини таъминлаш, ҳуқуқий тарғиботга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, ёшлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш вазифалари юклатилмоқда.

Қонун нормалари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда жамоат ташкилотларининг, энг аввало, ёшлар ташкилотларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва оммавий ахборот воситаларининг роли ҳамда ўрнини кучайтиришга ҳам қаратилган. Давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда, соғлом баркамол авлодни тарбиялашга доир тадбирларни уюштириш ҳамда ўтказишда, ёшларнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаоллигини юксалтиришда, ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари талаблари бажарилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари муқаррар иштирокининг ҳуқуқий механизмлари белгиланб берилмоқда.

Сенаторлар қайд этганларидек, қонуннинг қабул қилиниши ёшларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустахкамлашга, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар масъулиятини кучайтиришга, ушбу соҳада соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ичидоми ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун мамлакатимизда зарур имкониятлар ва шарт-шароитлар яратишга, мамлакатимиз ёшларини ХХI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама баркамол шахслар қилиб шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўриб чиқдилар. Ушбу қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланб берилган вазифаларни ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайёрланган ва парламентнинг қуйи палатасига киритилган ҳамда ички ишлар органларининг мақоми, биринчи навбатда, қонун устуворлигини, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича улар фаолиятининг шакллари ҳамда усуллари аниқ белгиланб беришга қаратилган.

Мажлисида ушбу қонун ички ишлар органлари тизими ва тузилишини, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда ваколатларини, уларнинг ҳодимларига нисбатан қўйилган талабларни, шунингдек, уларни ижтимоий ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш чораларини аниқ белгиланб бериш таъкидланди.

Қонунда ички ишлар органларининг асосий вазифалари, фаолият йўналишлари ва принциплари мустахкамлаб қўйилмоқда. Ички ишлар органлари зиммасига фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, жамоат тартибини ва жамоат хавфсизлигини, юридик ҳамда жисмоний шахслар мол-мулк ҳимоясини таъминлаш вазифалари юклатилмоқда.

Ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини, шу жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ҳимоя қилиш, жиноятларнинг, бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни қош қилиш, жамоат жойларида фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ички ишлар органларининг аниқ вазифаларини белгиланб қўйиш уларнинг жамият ва давлат олдидаги жавобгарлигини оширади.

Қонунда ички ишлар органлари хизматида қабул қилишга доир қўйилган асосий талабларга, хизмат ўташ шартлари алоҳида ўрин ажратилган.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу қонун ички ишлар органлари нуфузини мустахкамлашга, улар фаолиятида қонунийликни таъминлашга, шунингдек, ҳодимларнинг ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни ижро этиш бўйича жавобгарлигини оширишга қўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисида табиати муҳофаза қилиш соҳасига доир қонунлар ҳам қўриб чиқилди.

Сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «**Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги тахрири) қўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, қонуннинг асосий мақсади хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришдан, хайвонот дунёсини объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш тизимини самарадорлигини оширишдан, уларнинг яшаш муҳитини сақлашдан, шунингдек, қонуннинг тўғридан-тўғри таъсир қилишини таъминлашдан иборат.

Амалдаги қонунга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таъсирчанлигини оширишга ва биологик хилма-хилликнинг ажралмас қисми сифатида ёввойи хайвонлар генофондини комплекс ҳимоя қилиш нуктаи назаридан қонунчилик ҳужжатларидаги нуқсонларни бартараф этишга, қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқлаштиришга қаратилган янги ҳуқуқий нормаларни мустахкамлашда.

Қонунда хайвонот дунёсини муҳофаза қилишга ва ундан оқилона фойдаланишга қаратилган амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқаришда давлат органларининг, шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижкорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг ваколатлари аниқ белгиланб берилмоқда.

Хайвонот дунёсини объектларини олиб кириш ва олиб чиқишнинг ҳуқуқий режими, табиий муҳитдан «Қизил китоб»га киритилган хайвонлар ажратиб олинишни тақиқлаш, хайвонот дунёсини объектларидан оқилона фойдаланиш, уларнинг яшаш муҳитини сақлаш бўйича биотехник

тадбирлар ўтказиш тартибини белгиланб берувчи нормалар қонуннинг муҳим қоидаларидир.

Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида мониторинг ва назорат олиб бориш, хайвонот дунёсини объектларидан махсус фойдаланиш учун рўхсат бериш тартиб-таомилларини такомиллаштириш масалалари қонунда алоҳида ўрин эгаллайди.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши табиий шароитларда ёввойи хайвонларнинг миқдор ва сифат қўрсаткичларини сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар гуруҳи томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «**Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида**»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги тахрири) қўриб чиқдилар.

Мажлисида сенаторлар янги қонун ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, ундан оқилона фойдаланиш тизимининг самарадорлигини оширишга, атроф-муҳит бус-бутунлигини ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитни сақлашга қаратилганлигини қайд этдилар.

Қонунда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланишнинг таъминлаш бора-сидаги субъектларнинг ваколатлари, ўсимлик дунёсини объектларини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ўсимлик турларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, қарантин тадбирларини ўтказиш талаблари аниқ белгиланб берилган. Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш соҳасида мониторинг ҳамда назорат олиб боришнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, ушбу қонуннинг қабул қилиниши табиатнинг барқарорлигини, биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, хусусан, йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик организмлари генофондини асраш, мамлакат минтақаларида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар яратиш ва кенгайтириш ҳамда ўсимлик дунёсини объектларини муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни қайта ҳосил қилиш соҳасида норма ҳамда нормативларни ишлаб чиқиш борасидаги муносабатларни қонуний йўл билан самарали тартибга солиш имконини беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг биринчи иш қуни қўюлди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати.

«Давоми. Бошланғич 1-бетда».

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Парламент янгиликлари

Пойтахтимизда «Ўзбекистонда мустақиллик йилларида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга оид ҳуқуқий асосларнинг ривожланиши» мавзuida семинар бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Мамлакатимиз мудофаа тизимидаги амалга оширилган ишлар фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия шаклланишига замин яратди.

Семинарда Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши ва унинг аҳамияти, мамлакатимиз миллий истиқлол ва тараққиёт йўлининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда асосий йўналишлари тўғрисида маълумот берилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Жумладан, депутатлар «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга ўзгариш

ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама қилди.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологиялари кенг татбиқ этилаётгани таъкидланди. «Электрон ҳуқуқмат»ни жадал ривожлантириш бора-сида салмоқли ишлар амалга оширилаётди.

Лойиҳада прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида қонунчиликка тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унга қўра, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга алоҳида ҳолларда прокуратура органлари хизматига ахборот-

коммуникация технологиялари соҳасида олий маълумотга эга мутахассислар қабул қилиниши мумкинлиги ҳақидаги ва бошқа масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустахкамланмоқда.

Депутатлар эътиборига «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тақдим этилди ва қонун қабул қилинди.

Ўтказилган таҳлиллар ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини таъминлашдаги мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик чораларининг мавжуд эмаслиги ушбу соҳада қонунбузрилиш ҳолатларининг олдини олиш ва профилактика қилишга салбий таъсир қилаётганини кўрсатди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини таъминлаш мажбуриятини бажармаганлик ва кириш-чиқиш режими-ни бузганлик учун жавобгарлиқни қўзда тутувчи ҳамда Ўзбекистон Республикасининг

Жиноят кодексига ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг қўриқланишини таъминлаш мажбуриятини бажармаганлик учун, башарти, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилган бўлса, жиноий жавобгарлиқни қўзда тутувчи моддалар билан тўлдирилмоқда.

Бу ўзгариш ва қўшимчалар қонунчиликдаги бўшлиқни бартараф этиш ҳамда ўта муҳим ва тоифаланган объектларнинг ишончли қўриқланишини таъминлаш мажбуриятини бажармаганлик, шунингдек, кириш-чиқиш режими бузганлик учун аниқ жавобгарлик чорасини ўрнатишга олиб келади.

Депутатлар амалдаги қонунчиликда мавжуд қарама-қаршилиқларни бартараф этиш ва айрим қонунчилик ҳужжатларидаги нормаларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ҳамда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат

тўғрисида»ги қонунларга ўзгаришлар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилди. Киритилаётган ўзгаришларга қўра, Жиноят процессуал кодексининг айрим нормаларида мавжуд тафовут ва номуносиблиқларни бартараф этиш мақсадида мазкур кодексдан суриштирувчининг эҳтиёт чораси танлаш ваколатига доир нормани чиқариб ташлаш тақлиф қилинмоқда.

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги моддасини «ёки уй қамоғи» деган сўзлар билан тўлдириш тақлиф қилинмоқда. Дастлабки терговда уй қамоғи эҳтиёт чорасини қўллаш қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганда шахс ёши, соғлиги, оилавий аҳоли ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши мумкин. Бу гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли адвокатга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси белгиланган тартибда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилиши мумкин. Бу норма адвокатларга дахлсизлик ҳуқуқининг тўлиқ татбиқ этилишига имконият яратади.

РЕКЛАМА
ВА ТАБРИКЛАР

■ Байрамингиз муборак бўлсин!



**Мустақиллик байрами
муборак бўлсин, азиз юртдошлар!**

«Агробанк» АТБ жамоаси сизларни
Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами билан қутлайди.
Ватанимиз ҳамisha тинч ва осуда, халқимиз ҳаёти бундан-да
фаровон бўлишини тилаган ҳолда байрам тўхфаси сифатида
«Истиқлол – 25» номли омонат турини таклиф этади.

www.agrobank.uz
тел. (+99871) 203 88 88

AGROBANK

Хизматлар лицензияланган

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СИЛГА ҚАРШИ КУРАШИШ
БОЛАЛАР САНАТОРИЯСИ ЖАМОАСИ**

**юртдошларимизни Ватанимиз
Мустақиллигининг
25 йиллик байрами билан
муборакбод этади!**



**Сизларга тинчлик-
хотиржамлик,
сиҳат-саломатлик тилайди!**

Infin BANK

**25
yil**

MUSTAQILLIK MUBORAK BO'LSIN!
GO'ZAL VA BETAKRORIMSAN, MUQADDAS VATANIM,
JONIM SENG FIDO, O'ZBEKISTONIM!

«Invest Finance Bank» jamoasi Sizni
xalqimizning eng ulug', eng aziz bayrami –
Mustaqilligimizning 25 yilligi bilan
muborakbod etadi.

Vatanimiz ravnaqi va xalqimiz farovonligi
yo'lidagi sharaflı ishlaringizda
mustahkam sog'liq va ulkan
zafalar tilaydi!

Xizmatlar litsenziyalangan

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78,
(+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

www.uzbekistonovozi.uz
info@uzbekistonovozi.uz

ТОШКЕНТНИНГ «ЛОКОМОТИВ» ФУТБОЛ ЖАМОАСИ ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ЧОРАК
ФИНАЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВИДА БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИНИНГ
«АЛ-АЙН» КЛУБИ БИЛАН ДУРАНГ ЎЙНАДИ.

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

■ Спортчиларимиз эришган ютуқлар барчамизни хурсанд қилди.
Улар Ўзбекистон чин маънода спорт мамлакати эканлигини
бутун дунёга кўрсатишди.



Маррани баланд олган ёшларимиз ғалабаси

23 август куни кечқурун Тошкент аэропортида XXXI ёзги олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорлари, иштирокчиларини тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Турли мамлакатларда ўтган нуфузли мусобақалардан ғолиб бўлиб қайтган спортчиларимизни Тошкентда тантанали равишда кутиб олиш анъанага айланган. Бошқача айтганда, бундай тадбирларга ҳамюртларимиз кўникиб кетишган. Аммо бугунги тантана ўзгача, унинг нуфузи, масъулияти, қувончи, шодликлари ҳам ўзгача. Бугун юртдошларимиз, ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спорт мухлислари узоқ Бразилияда маҳорат, матонат ва жасорат кўрсатиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя этган чемпионларни, қаҳрамонларни кутиб олишмоқда.

...Эл-юрт ҳаяжон билан кутаётган самолёт келишидан 4-5 соат олдинда аэропорт гавжумлаша бошлади. Биринчилардан бўлиб олимпиячиларнинг ота-оналари, яқинлари, устозлари келишди. Имкониятдан фойдаланиб, улар билан суҳбатлашамиз.

— Ўғлим олимпиада ўйинларида совриндор бўлганидан бошим осмонга етди, — дейди **Хасанбой Дўсматовнинг отаси Маъруф-жон Ҳайитбоев**. — Хасанбой икки раунд давомида чиройли жанг намойиш қилди. 3-раундга келганда чидай олмади қолдим, ишонасизми, вақт ўтмай қолди. Кўзимни юмиб олдим. Худо яралаган йигит экан, юртимизга олтин медаль билан қайтди.

— Ўғлим олимпиада ўйинларида совриндор бўлганидан бошим осмонга етди, — дейди **Ришод Собировнинг отаси Гулнора Раҳматова**. — Шу кунларга етказганига шукр. Ўғлимнинг олимпиада ўйинларида учинчи мартаба иштирок этгани, ҳар сафар совриндор бўлгани билан фараҳланаман.

...Олимпиада ўйинларида олтин медални кўлга киритиш шараф. Агар бу натижага рекорд ўрнатиш орқали эришилса, унинг кадр-қиммати икки хисса ошади. Ҳамюртимиз Руслан Нурудинов ўзбек полвонининг кучини кўрсатиб, олимпиада ўйинларининг рекордини янгилади.

Этибор беринг, шу пайтгача Марказий Осиё спортчилари оғир вазнда рекорд ўрнатиш у ёқда турсин, олимпиада ўйинларида бронза медалини ҳам кўлга кирита олмаган!

— Ўғлим чемпион бўлган вақтдаги ҳаяжонимни сўз билан ифода қилиб бера олмаيمان, — дейди **Руслан Нурудиновнинг отаси Гулчехра Нурудинова**. — У рекорд ўрнатганда уйимизда шунақани кийкириб бўлдики, қўйверасиз. Руслан бундан бир неча йил олдин жаҳон чемпиони бўлиб келганида, оғир атлетикада охириги 20 йилда биринчи олтин медаль, деб олқишлаганди. Мана, энди у олимпиада ўйинлари олтин медалини кўлга киритиш билан бирга, рекордини ҳам янгилашга эришди. Бу жуда улкан ғалаба. Президентимизга раҳмат. У кичи томонидан кўрсатилган ғамхўрликларга жавобан фарзандларимиз ҳам жаҳон бўйлаб Ўзбекистон номини, унинг байроғини юксакларга кўтармоқда...



Санакар ШОТЎЛМАНОВ, Фаррух АЛИЕВ, (Ўзма) олган суратлар.

— Болажоним мустақиллик тенгдоши, — дейди **Рустам Тўлагановнинг отаси Санамхон Нурмухаммедова**. — У 10 ёшидан бокс билан шуғулланади. Олимпиадада беллашиш осон эмас. Бунинг учун болаларимиз қанчалик тер тўқанини, меҳнат қилганини она қалби билан сезиб турибман.

— Ўғлим «Рио — 2016» олимпиадасида бронза медалини кўлга киритганидан жуда хурсандман, — дейди **Рустам Тўлагановнинг отаси Тўлқин Нурмухаммедов**. — Спортчиларимизнинг бундай юксак натижаларини қайд этиши замирида, аввало, давлатимизнинг спортга берган юксак эътибори, ғамхўрлиги муҳасаммалашган. Рустам олимпиадада кетиши олдиндан уйга келиб «Дуо қилинг, юртимизга медаль билан қайтай», деди. Оқ фотиҳа бериб қузаддим. Ғалаба қозониш учун бор кучини сарфла, деб тайинладим. «Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига албатта медаль билан келаман», деб ваъда берди. Мана, сўзининг устидан чиқди.

...Спортда ютуқлар ўз-ўзидан кўлга киритилмайди. Бунинг учун, аввало, шароит, мустаҳкам моддий-техник база зарур.

Президентимиз ташаббуси билан 14 йил олдин ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш

мизни таъминлади. 21 август куни 21-ўринга юксалди.

— Ўғлим ўн ёшидан буён бокс билан шуғулланади, — дейди **Шаҳобиддин Зоировнинг отаси Роҳида Шарипова**. — Фарзандимнинг олтин медални Ватанимизнинг 25 йиллик тўйига муносиб тўхфа бўлди. Мен ўғлимнинг мураббийлари Рустам Ашуров ва Жамшид Камоловга ўзимнинг миннатдорлигимни билдирмаман.

Финал жанги кўни ҳаммаиз қаттиқ ҳаяжонландик. Ўғлим ғолиб бўлганидан кейин ўзи телефон қилди. Ўша кун ҳаётимдаги энг бахтли кун бўлди...

...Фазлиддин Ғойибназаров Лондон олимпиадасида ҳам кўчликлик мухлисларнинг меҳрини қозонганди. Ҳакамларнинг ноҳилис ҳаракатлари туфайлигина у совриндорлар сафидан жой ололмаганди. Ўшанда 21 ёш бўлган йигит навбатдаги олимпиадада шохсупага кўтарилишни ният қилган бўлса-да, кейинги

нинг қўлини кўтарганида ўзимни кўярга жой топа олмадим. Ўғлимнинг биринчи мураббийи Абдор Турсунпўлатов «Фазлиддин иктидорли бўла», деганди. Мана, айтган гап тўғри чиқди. Фазлиддин олимпиада ўйинлари ғолиби бўлди. Ишонсангиз, отаси финалгача бирор жангини кўргани йўқ. Кўчага чиқиб кетарди. Ҳар бир раунд тугаганда, натижани айтиб турардик. Шукр, юзимиз ёруғ бўлди.

...Ҳаяжонли дақиқалар. Ниҳоят самолёт зинаосида Ватан қаҳрамонлари кўринди. Тантанали маросим бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Нигматилла Йўлдошев сўзга чиқди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинхон Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазيري Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Ўзбекистон халқ артистлари Эркин Комилов, Озодбек Назарбеков, Зулфия номидида Давлат мукофоти совриндори, таъқвондо (ITF) бўйича жаҳон чемпиони Дилбар Холжигитова, олимпиада ўйинлари чемпиони Хасанбой Дўсматовнинг отаси Дилноза Ҳайитбоева Президентимизнинг спортга берган эътибори бугун ўз меvasини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистон халқ шоири

Сирожиiddин Саййиднинг олимпиадачиларимизга бағишланган шеъри маросимга ўзгача руҳ бағишлади.

— Боксда жанг бошланиши билан рақибга руҳий босим ўтказишга ҳаракат қилинади, — дейди **олимпиада ўйинлари ғолиби Хасанбой Дўсма-тов**. — Мен шунга амал қилдим, ҳеч бир рақибимдан кўркканим йўқ. Президентимиз бизга маррани баланд олинглар, деб айтган. Биз ўзбек спортчилари ҳеч қимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини амалда исботладик.

— Спортчиларини бундай тантанали кутиб оладиган давлат ҳеч қаерда бўлмаса керак, — дейди **олимпиада ўйинлари ғолиби Фазлиддин Ғойибназаров**. — Узоқда бўлсак ҳам сизларнинг меҳрингизни доимо ҳис қилиб турдик. Бизни кўллаган Ўртбошимизга, халқимизга раҳмат айтаман.

Тўғриси айтганда, бўйнимиздаги медаллар аслида президентимизники...

— Рио Олимпиадасида юртимиз спортчилари нималарга қодирлигини дунёга намойиш қилди, — дейди **олимпиада ўйинлари ғолиби Руслан Нурудинов**. — Спорт мухлислари ва юртдошларимизга биз билан бирга бўлганликлари учун раҳмат. Давлатимиз раҳбарига эса алоҳида раҳмат айтаман.

— Биз қўлимиздан келганча юртимиз номини улуглашга ҳаракат қилдик, — дейди **олимпиада ўйинлари кумуш медални соҳиби Бектемир Мелиқўзиев**. — Халқимизнинг ишончини оқлаб, жонажон юртимизга қайтганимиз билан фараҳланамиз.

Спортчиларни кутиб олишга бағишланган тантанали маросимда жамоат ташкилотлари қаторида ЎзХДП Марказий Кенгаши вакиллари ҳам иштирок этди. Улар спортчиларга гуллар ва турли совғалар топширдилар.

— Олимпиада ўйинларини биз ҳам катта ҳаяжон билан кузатдик, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фалоллигини ошириш бўйича сектор мудири Умрбек Бектемиров**. — Спортчиларимиз эришган ютуқлар барчамизни хурсанд қилди. Улар Ўзбекистон чин маънода спорт мамлакати эканлигини бутун дунёга кўрсатишди. Кўни кеча ўтказилмаган тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Келгусида Олимпия чемпионлари иштирокида қатор урчушувлар ўтказишни режалаштирганимиз.

...Олимпиада ўйинлари давомида фарзандимни спортга бераман, чемпион бўлиши учун бор кучимни ишга соламан, деган ота-оналар кўп бўлди. Менинг ўғлим Муҳаммад Содиқ ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган. Аэропортдан туриб уйга кўнғирок қилсам, спортчиларни кўриш учун онаси билан кўчада туришган экан. Ўша лаҳзаларда ният қилдим: йигирма йилдан кейин менинг ўғлим ҳам худди шу спортчиларга ўхшаб олимпиада ўйинлари ғолиби бўлсин!

Темур АбЗАМ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУНЁДҚОРЛИК

Янги Бахт уйи

Сурхондарё вилоятининг Узун туманида фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш ва нотариал идоранинг янги биноси фойдаланишга топширилди. «Ўзқурилишинвест» компанияси томонидан бунёд этилган икки қаватли мажмуада барча шароитлар муҳайё.



— Мустаҳкам оила жамият кўрки, — дейди Жаҳонгир Мелиқулов. — Соғлом она ва бола йили биз учун қувончларга бой бўлди. Юлдузхон Сармонова билан турмуш қуришга аҳд қилгандик. Мана бугун орзумиз ушaldi. Янги «Бахт уйи»да никоҳимиз биринчилардан бўлиб қайд қилинганидан хурсандимиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕМИНАР

Кўриқлаш хизмати яхшиланмоқда

Хоразм вилоятида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бошқармалари ҳамда бўлимларининг психолог ва тарбиявий ишлар бўйича масъул ходимлари учун ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда кўриқлаш саф бўлимлари шахсий таркибининг руҳий ҳолатини ўрганиш ишлари муҳокама қилинди.

Ўқув-семинарда сўзга чиққанлар юртимиз тинчлиги, осойишталигини таъминлашга хисса қўшаётган кўриқлаш хизмати ходимларининг ҳар томонлама етуқ, жисмонан бақувват, руҳан тетик, иродали ва қатъиятли бўлишларида психолог ва тарбиявий ишлар бўйича масъул ходимларнинг ўрни катталигини эътироф этишди.

Психология фанининг ички ишлар ходимлар фаолиятидаги аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

Тадбир якунида юқори кўрсаткичга эришган ходимларга фарахрий ёрлиқлар топширилди.

Элмурод КЎЗИЕВ

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Ўз биносининг 633 м² бўлган том қисмини жорий таъмирлаш бўйича танлов эълон қилади.

Унда иштирок этмоқчи бўлган корхона ва ташкилотлар ушбу эълон чиққан санадан бошлаб ҳар кун соат 10:00 дан 17:00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мувожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, 100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3. Телефонлар: (0-371) 239-18-49, 239-83-12.

Таклифлар 2016 йил 5 сентябрь соат 15:00 гача қабул қилинади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Saidkamol

Saidahmad RAHIMOV

Hotamjon KETMONOV

XODJAYEV

Farrux HAMROEV

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihiddin

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaga menzilli Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859

8858

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21:40

Topshirilgan vaqti — 03:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5

